O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Toyloq tumani
HOKIMI
QARORI

# РЕШЕНИЕ ХОКИМА

Тойлякского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 yil «13» январ №29-Vk Toyloq sh. – г. Тойляк

Туман хокимлиги захира ерлари ҳисобидан Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ҳамдамов Аббос бошлиқ фермер хўжалик ташкил қилиш ҳамда ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом, туман хокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 7 январдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Туман ҳокимлиги захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда голиб деб эълон қилинган Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ҳамдамов Аббосга галлачилик, сабзавотчилик, пиллачилик йўналишида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалигига Ғулба массиви ердан фойдаланиш харитасининг 210қ,227,228,229,230,235,232,350,351,202,244,231,211-контурларидан жами 22.1 гектар, шундан 21.0 гектар суғориб ҳайдаладиган, 0.8 гектар ариқ ва зовур, 0.3 гектар йўллардан иборат ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2.Белгилаб қўйилсинким, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эхтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узоқ муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3.Туман Давлат хизматлар маркази (З.Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов)га Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ҳамдамов Аббосга бошлиқ фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли хужжатлар расмийлаштириш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов)га фуқаро Ҳамдамов Аббосга бошлиқ фермер хўжалигига бюджет билан бўлган ҳисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6.Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

7.Ушбу қарорни тасдиғи Самарқанд вилоят хокимидан сўралсин.

Туман хокими Б.Бабоназаров

DEVONXONA